



MOLIYA VA BANK ISHI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BANK-MOLIYA AKADEMIYASI ILMYI JURNALI



Суғурта соҳасида рақамли технологияларни қўллаш истиқболлари

Абдурахмонов Ильёс Хуршидович

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кафедра мудири
Ўзишмалар учун муаллиф электрон почтаси: a.ilyos@mail.ru

Мақола ҳақида маълумот

Аннотация

Топширилган вақти: 19.07.2022
Қабул қилинган вақти: 01.08.2022

Таянч сўз ва иборалар: суғурта, суғурта компанияси бизнес жараёнлари, блокчейн, киберхавфсизлик, инновацион суғурта маҳсулотлари, онлайн ва интернет суғурта, молиявий платформалар, суғурта технологиялари.

Мазкур мақолада суғурта соҳасига рақамли технологияларни жорий этиш, жумладан блокчейн технологиясини қўллаш имкониятлари ва ёндашувлари ўрганилган. Суғурта компаниялари бизнес жараёнларига замонавий технологияларни қўллашнинг самарадорлиги таҳлил қилинган уларнинг вариантлари кўриб чиқилган. Таҳлил натижасида анъанавий ва блокчейн технологияларини суғурта компанияларида қўллаш орқали эришиладиган ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилинган. Соҳага чнги технологияларни жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Prospects for the application of digital technologies in the insurance field

Abduraxmonov Ilyos Xurshidovich

Banking and Finance Academy of the Republic of Uzbekistan, Head of Department
Corresponding author: email: a.ilyos@mail.ru

ARTICLE INFO

Abstract

Received: 26.07.2022
Accepted: 01.08.2022

Key words: insurance, insurance company and business processes, blockchain, cybersecurity, innovation insurance products, online and internet insurance, platforms, insurance technologies.

This article explores the possibilities and approaches to the introduction of digital technologies in the insurance industry, including the use of blockchain technology. The effectiveness of applying modern technologies to the business processes of insurance companies is analyzed and their options are considered. As a result of the analysis, the advantages and disadvantages of using traditional and blockchain technologies in insurance companies were analyzed. Proposals and recommendations for the introduction of new technologies in the field have been developed.

Кириш

Охирги йилларда инновациялар иқтисодиётнинг молия секторидаги ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи асосий омили сифатида намоён бўлиб

келмоқда. Молия секторининг суғурта соҳаси ҳам бундан мустасно эмас, шунингдек суғурта соҳаси ҳозирги кунда рақамли трансформация даврига қадам қўймоқда ва бу кўплаб тадқиқотчиларни жамият ҳаётини такомиллаштириш юзасидан илмий таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга

ундамоқда.

Суғурта бозорида рақобатнинг кучайиши ва ахборот каналларининг ривожланиши, истеъмолчиларнинг хулқ-атворидаги ўзгаришлар суғурта компанияларини бизнес юритишнинг мавжуд технологик тамойилларини қайта кўриб чиқишга ундапти. Айнан инновацион ёндашувда суғурта бизнесининг келажаги ётади, шунинг учун суғурта соҳасида янги инқилобий блокчейн технологиясидан фойдаланиш имкониятларини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Суғуртада инновацияларнинг мазмуни ва моҳияти, бизнинг фикримизча инновациялар назарияси методологиясига асосланади ва у инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларига, қонун ва қонуниятларига, шунингдек уларни бошқариш тамойилларига асосланади.

Суғурта соҳасидаги инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларига бўлган мавжуд ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатдики, баъзи олимлар уларни радикал, комбинацион ва модификацияланган инновацияларга ажратадилар (Саввина 2014). Ушбу инновациялар барча турларининг умумий хусусияти суғурта каби бизнес соҳасининг хавфлилигидир. Ушбу фаолият натижаларига таъсир этувчи омилларнинг ноаниқлиги ҳам юқори инновацион рискларни келтириб чиқаради. Суғурта компанияларининг инновацион фаолиятига бевосита ёки билвосита таъсир этувчи ташқи ва ички муҳит омиллар инновацион сиёсат, инновацион риск ва инновацион фаолият мажмуини шакллантиришга яқиндан ёрдам беради.

Инновациялар бу компаниянинг асосий рақобатбардош устунлигидир. 2013 йилдаги Accenture Consumer-Driven Innovation тадқиқотлари (2013) шуни кўрсатдики, суғурталанувчилар арзонроқ нархда ва қўлай суғурта маҳсулотларини талаб қилишмоқда. Суғурта соҳасидаги технологик янгиликлар суғурта компаниялари томонидан фойдаланиладиган суғурта маҳсуотларини сотиш каналларининг ўзгаришига олиб келди.

Курьянова ва Абибуллаев (2018) тадқиқотларида блокчейн – бу ахборотни сақлаш ва узатишнинг замонавий тамойили бўлиб, иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида, хусусан, молиявий хизматлар соҳасида қўллаш учун улкан инновацион салоҳиятга эга технология сифатида илмий жамоатчиликда кенг муҳокамаларга сабаб бўлиб келмоқдалиги таъкидланган.

Апатова (2017) фикрига кўра, блокчейн технологиялари молия бозорининг турли соҳаларида кенг қўлланилиб келинмоқда, масалан улар суғурта соҳасида томонларнинг манфаатларини тартибга солиш ва уларга риоя қилиш тизими сифатида қаралиши мумкин. Гарчи суғурта соҳаси (инновацион

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Охирги йилларда молия институтлар мавжуд тўлов тизими доирасда блокчейнни қўллашга жиддий қизиқиш билдира бошладилар. Блокчейн

технологияларни жорий этиш бўйича) банк соҳасидан ортда қолса-да, у асосий жараёнларни автоматлаштириш орқали самарадорликни ошириш ва харажатларни камайтириш тизимида улкан салоҳиятга эгадир.

Stev O’Hearn (2019) тадқиқотларидан шу нарса аён бўладики, блокчейн технологияси кенг кўламли иловаларга эга инновацион дастур бўлиб у турли молиявий соҳаларда кенг қўлланилиб келмоқда, бунда асосий эътибор молиявий хизматларни соддалаштиришга – 40 фоизга ва харажатларни 70 фоизга камайтиришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

Sayegh (2018) таъкидлашча, Blockchainin Insurance: Risk Not, Reap Not статистик тадқиқотларига кўра, респондентларнинг 86 фоизи блокчейннинг суғурта соҳасида жуда муҳим ижобий таъсирини қайд этишган, улардан 54 фоизи потенциал фойда келтирган ҳолда ҳатто соҳанинг трансформациясини башорат қилганларини айтиб ўтади.

Белова ва бошқалар (2021) тадқиқотларида кўйдагиларни таъкидлаб ўтишади, яъни суғурта соҳасида блокчейн технологиясидан фойдаланиш бизнесга янги туртки бериши мумкин бўлган тўртта йўналиш мавжуд:

Молиявий хавфсизлик;

Зарарларни қоплаш бўйича даъволарни кўриб чиқиш;

Суғурталаш технологияларнинг янги усуллари;

Блокчейн ёрдамида компаниянинг киберхавфсизлиги реал вақт режимида таъминланади.

Шарафетдинов ва Терехова (2020) фикрларига кўра, бугунги кунда кўплаб таҳлилчилар фикрига таянган ҳолда блокчейн суғурта соҳасида одатий ҳолга айланишига комилдилар. Дунёнинг баъзи мамлакатларида энг йирик суғурта компаниялари бу соҳада катта кўламдаги тадқиқотларни олиб боришаётганларини таъкидлашмоқда. Уларнинг кўчилиги аллақачон блокчейн технологияси асосида суғурта маҳсулотларини яратишган. Мисол учун, Европа суғурта соҳасидаги гигантлари – Allianz, Aegon, Munich Re ва Zurich биргаликда суғурта маҳсулотини яратиш учун Blockchain Insurance Industry Initiative альянсини яратишгандир.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида суғурта соҳасида блокчейн технологиясини жорий этишнинг назарий асослари ўрганилди, мавзуга боғлиқ кўплаб назарий адабиётлар, эмпирик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларида кенг фойдаланилган.

технологиясининг асосий афзалликларидан бири бу тизимнинг шаффофлиги ва хавфсизлиги ҳисобланади: блокчейн транзакция ҳақидаги барча маълумотларни, жумладан вақт, сана, миқдор, олувчи ва тўловчини қамраб олади, шунингдек маълумотларни кетма-

кетлик занжирида мустақкамлангандан кейин ушбу маълумотларга ўзгартириш киритиш имконияти бўлмайди.

Суғурта соҳаси блокчейн технологияларини жорий этиш учун истиқболли соҳадир. Қўйида жаҳон бозоридаги стартапларнинг айримларига мисоллар келтириб ўтамиз (Гарипов Р.И., Максимова Н.Н. (2020)):

1. *Etherisc*. Ушбу илова парвозни суғурталаш имконини берувчи ақли шартномалар асосида қурилган бўлиб, парвоз кечиб қолган тақдирда суғурта тўловини амалга ошириш имконини беради. Etherisc маҳсулоти тўловларни автоматлаштириш имконини беради, шунингдек маълумотлар хавфсизлиги ва шаффофлигини таъминлайди.

2. *Inchain*. Бу марказлашмаган блокчейн поатформаси бўлиб, бунда фойдаланувчиларга рискларни суғурта қилиш, инвесторларга эса суғурта облигацияларига инвестиция киритиш имконини

беради. платформа Ethereum блокчейн ва смарт-шартномалар асосида қурилган.

3. *Prosto. Insure*. 2017 йилда Россия суғурта бозорида амалга оширилган суғурта блокчейн-платформаси. Ушбу лойиҳа саёҳат суғуртаси учун мўлжалланган. Ушбу тизим фойдаланувчи маълумотларининг ўзгармас ҳолатда сақлаш ва фирибгарликдан ҳимоя қилиш имконини беради.

4. *Allianz Risk Transfer*. Анъанавий суғуртасиз, ақли шартномалардан фойдаланган ҳолда рискларни суғурталаш механизмига асосланган.

Шундай қилиб юқорида блокчейн технологияларидан фойдаланишга турли ёндашувларда қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. Бундан блокчейнни ривожлантириш стратегиясини амалга оширувчи суғурта компанияларини ўрганиш асосида ундан фойдаланишнинг асосий ёндашувларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин (1-жадвал)


1-жадвал

Суғурта соҳасида блокчейндан фойдаланиш ёндашувлари

Ёндашув	Тавсиф
Иқтисодий	Иқтисодий нуқтаи назарга кўра хизматлар нархини ва харажатларни камайтириш учун блокчейн технологиясидан фойдаланиш
Ҳуқуқий	Фирибгарликни аниқлаш ва мижозлар маълумотларини ҳимоя қилиш учун ушбу технологиялардан фойдаланишни ўз ичига олади
Технологик	Иш жараёнини тезлаштирадиган турли хил технологик маълумотлар базаларини яратиш. Масалан: ахборотнинг тармоқ миқёсида марказлаштирилган омборини яратиш; KYC (Know Your Customer) учун блокчейн ечими, бу ерда барча ҳужжатлар реестри юритилади ва криптография ёрдамида шифрланади

Жадвал маълумотларига асосланган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкинки, блокчейн суғурта соҳаси фаолиятини яхшилаш учун турли йўллар билан фойдаланиш мумкин: даъволар бўйича ўртача харажатларни камайтириш, суғурта жараёнларини осонлаштириш ва тезлаштириш, уларни автоматлаштириш ва ишончилигини ошириш.

Технологияларнинг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, суғурта соҳасидаги блокчейннинг мумкин бўлган ўрнини кўрсатиш керак бўлади (1-расм)



1-расм. Суғурта соҳасида блокчейн технологияларидан фойдаланиш вариантлари

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, суғуртага инновацион технологияларни жорий этишнинг барча йўналишлари ушбу соҳанинг

сезиларли ривожланишига, иқтисодий самарли тежамкор суғурта маҳсулотларини яратиш орқали суғурта бозорининг ўсишига олиб келади.

2-жадвал

Суғуртада анъанавий ва блокчейннинг қиёсий тавсифи

Анъанавий тизим	Блокчейн тизими
<i>Ҳисоб-китобларни амалга ошириш</i>	
Онлайн суғурта, интернет орқали онлайн ариза, нақд тўлов кўринишида	Автоматлаштирилган тизим ёрдамида, суғурта компаниялари учун fintech хизматлари
<i>Маълумотларни ҳимоя қилиш</i>	
Шахсий маълумотларни қайта ишлаш хавфсизлигини таъминлашда ягона стандартлар ва ёндашувларнинг йўқлиги. Суғурта компаниясининг шахсий маълумотларнинг ахборот тизимидан фойдаланиши	Транзакция ҳақидаги барча маълумотларни сақлаш, сана, вақт, қабул қилувчи, сумма, шунингдек уларни кейинчалик уларни ўзгартира олмаслик бу эса хакерларнинг бузиб кириш имконини бермайди
<i>Маъмурий харажатлар</i>	
- сўровни кўриб чиқиш вақти; - транзакция қиймати	Жараёнларни автоматлаштириш орқали харажатларни камайтириш

Суғуртада блокчейн технологиясидан фойдаланиш самардорлигини таҳлил қилишда ва баҳолашда анъанавий ва янги технологияларни қўллашнинг афзалликларини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

Таққослаш натижасида шуни кўришимиз мумкинки, блокчейнни амалга ошириш натижасида қўлда амалга ошириладиган жараёнлар автоматлаштирилади. Бунинг натижасида қорорлар қабул қилиш оптималлаштирилади, битта аризани кўриб чиқиш вақти ва харажати камаяди. Инновацион технологиялар бозордаги улушни ошириш имконини беради, бу ҳар қандай тижоратга асосланган компаниянинг асосий мақсадидир. Шунингдек, блокчейн технологиясидан фойдаланиш ахборот ва маълумотлар хавфсизлиги соҳасидаги кўплаб, юқори нархли мутахассисларни талаб этмайди.

Бунда иқтисодий самардорлик қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Мижозларга хизмат кўрсатиш учун вақтнинг тежалиши 70-85%га;

2) Маблағларнинг иқтисод қилиниши, тайёр ишланмаларнинг мавжудлиги анъанавий ечимлар нархини 60-90% гача камайтириш имконини беради;

3) Рискларнинг камайиши, фирибгарлик ҳолатларининг қисқаришига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса сифатида шуни таъкидлашимиз мумкинки, блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг иқтисодий самардорлиги бу аниқдир: ушбу технологиялардан фойдаланадиган суғурта компаниялари ўз фаолиятини оптималлаштириш ва самардорлигини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга

блокчейнни амалга ошириш самардорлигини тўлиқ баҳолаш ва фойдаланиш стандартларини ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шунингдек, мавжуд афзалликларга қарамай, миллий суғурта компаниялари ўз бизнес жараёнларида замонавий технологиялардан фойдаланиш ва жорий этишда бир қатор муаммолар ва хавфларга дуч келишлар мумкин, булар қўйидагилардан иборат:

– Энергия истеъмоли, кенг қўламлик, бунда интеграция жараёнларининг харажатлари аниқ асосланган бўлиши керак;

– Киберфирибгарлик;

– Ҳуқуқий ва тартибга солиш масалалари, шунингдек бу борадаги стандартларнинг йўқлиги.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, суғурта соҳасида блокчейн технологияси юқори истиқболли ривожланиш салоҳиятига эга. Унинг қўлланилиши суғурта бозорида янги маҳсулотларнинг пайдо бўлишига (P2P суғурта, микросуғурта, манзилли (параметрик) суғурта), шунингдек, соҳанинг иқтисодий ривожланишига олиб келади.

Шунингдек, блокчейннинг муваффақиятли ишлаши учун тартибга солиш ва қонунчилик шартларини аниқ ишлаб чиқиш ва қутилаётган “тармоқ эффекти”ни ойдинлаштириш керак бўлади. Бунда ташқари, дастлабки жорий этишдан олдин технологияларнинг афзалликлари ва камчиликларини диққат билан ўрганиш ва таҳлил қилиш, рискларни ҳисобга олиш ва уларнинг оқибатларини минималлаштириш керак бўлади. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун асосларни, жумладан, илмий асосланган асосларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Саввина Н.Е. (2014) Инновации в российском страховании: мода или необходимость? // Финансы: Теория и Практика. 2014. № 6.

The Accenture 2013 Consumer-Driven Innovation Survey: Explore the data URL: <http://www.accenture.com/microsites/consumerdriveninnovation/Pages/index.aspx>.

Курьянова И.В., Абибуллаев М.С. (2018) Возможности и перспективы применения блокчейн в страховании. Экономика и управление. Т. 4 (70). № 3. С. 101–107.

Апатова Н.В., Королев О.Л. (2017) Финансовая безопасность и технологии блокчейн // Научный вестник: финансы, банки, инвестиции. № 4 (41). С. 35–41.

Stev O’Hearn. (2019) Blockchain, a catalyst for new approaches in insurance // PwC. – Vol. 2, №2 – P. 3-4.

Sayegh K. (2018) Blockchain Application in Insurance and Reinsurance / K. Sayegh // Skema Businessschool. – №1. – P. 38.

Белова Ю. А. Макарова Л.Н. Матохина А.В. (2021) Использование технологии блокчейн в страховании и кредитовании. VI Международная научно-практическая интернет-конференция. «Проблемы экономического роста и устойчивого развития территорий». г. Вологда, ФГБУН ВолНЦ РАН, 19 – 21 мая 2021 г.

Шарафетдинов А.Д., Терехова Т.Б. (2020) Блокчейн-технологии: вызовы и перспективы. Образование и право № 6 С. 238-243.

Гарипов Р.И., Максимова Н.Н. (2020) Исследование внедрения блокчейн в сферу страхования. Вестник совета молодых ученых и специалистов Челябинской области. – 2020. – №3 (30), Т. 1. – С. 62-65.